2010 йил 27 август, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 167-168 (11.728-11.729) Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»

**Юрмухаметов Сергей Шамильевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

**Мирзаев Мираглам Ахатович** — Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

*Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Раҳимов Ўткир Раҳмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-клиник госпиталининг бўлинма бошлиғи

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Каньязов Есемурат Султамуратович** — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари

**Тургунов Абдужамол Абдувахобович** — Андижон вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

**Усманов Арислан Усманович** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Шахисламов Шамиль Шарифянович** — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

### I даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Алиев Александр Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Абдухаликов Толибжон Бобожонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси хизматининг бошлиғи

**Ахмедов Махаммат Журакулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси батальон командири

**Пардаев Ойбек Мамаражабович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Раҳимов Нодир Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Суванов Ўктам Ҳайдарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Дўстлик» ордени билан

**Айтниязов Парахат** — Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлар бўйича Олий суди раиси

**Дзобелов Валерий Давидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлимининг катта илмий ходими

**Жолдасова Татьяна Ивановна** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси бош инспектори

**Ёдгоров Холмўмин Буврабоевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Мезенцева Елена Юрьевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика маркази бош эксперти

**Мисин Владимир Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси етакчи мутахассиси

**Рахмонкулов Собиржон Култўраевич** — Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Романов Сергей Сергеевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси Навоий кон-металлургия комбинати ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Турдибоев Худойкул Тураевич** — Қашқадарё вилояти прокурори

**Файзиев Хайриддин Сирожиддинович** — Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

### «Жасорат» медали билан

**Абдирахимов Фархад Бахадирович** — Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

**Артиков Носиржон Козимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Бердиев Асқар Холбўтаевич** — Қарши шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Гулманов Абдулла Шукурллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисм катта инструктори

**Достонов Жаҳонгир Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жалов Лазиз Абдурашидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Журамурадов Навруз Камолович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Зиямуҳамедов Алишер Садриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

*(Давоми 2-бетда).*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




**Ислоҳотлар оқимида**

## ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН

**Сувга бежиз «оби ҳаёт» дея таъриф берилмайди. Унинг ҳаётимизда, турмушимиз фаровонлигида, соғлиғимизни мустаҳкамлашда алоҳида ўрни бор. Шубҳасиз, ёзнинг саратонида ҳам унга талаб янада ортади.**

Бугунги кунда тадбиркорларимизнинг изланишлари яхши самара бергани шунда кўринмоқдаки, харидор дид ва талабига мос ишлаб чиқарилган ҳамда қадоқланган маҳсулотлар турлари кўпайиб бормоқда. Салқин ичимликлар ва тозаланган сув ана шулар жумласидан бўлиб, уларнинг харидоргир бўлишига эришилмоқда.

«Billur Suv servis» масъулияти чекланган жамияти юксак унумли технологиялар асосида фаолият юритади.

Корхонада 25 нафар малакали мутахассис Кумушкон сувларини тозалаб, қадоқлаган ҳолда истеъмолчиларга етказиб беради.

Буюртмага кўра маҳсулотни жойларга етказиб беришда корхонанинг «Дамас» ва «Газель» автомашиналари хизмат кўрсатади. Қадоқланган сувлар билан нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз бошқа ҳудудларидаги истеъмолчилар ҳам таъминланмоқда.

Корхона маҳсулотлари беш ва 12 литрлик пластмасса идишларга тўлдирилади. Жорий йилдан эса тозаланган сувлар замонавий технологияларга кўра 1 литрлик идишларга қадоқланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

«Серебряная капля» савдо белгиси билан тайёрланаётган тоза ва шаффоф сувлар сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда. Бу эса тадбиркорларни янада янги изланишларга ундамоқда.

Албатта, келгусида корхонани кенгайтириш, ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш ҳам кўзда тутилган. Энг муҳими эса харидор талабини, маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси эртага – 2010 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.**

**● Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Гулистон шаҳрида барча қулайликларга эга «Сайхун савдо мажмуаси» фойдаланишга топширилди. Беш гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаган савдо мажмуида 500 га яқин янги иш ўрни яратилди. Бу ерда ишлаш истагини билдирганларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади.**

**● Андижон вилояти Шаҳрихон туманида мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб «Шаҳрихонсой мавжлари» деб номланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан ёш ижодкорлар иштирок этди.**

**● Фарғона вилоятида истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги байрами арафасида турли маданий-маърифий иншоотлар ишга туширилмоқда. Жумладан, Тошлоқ туманидаги Садда қишлоғида замонавий лойиҳа асосида қуриб битказилган янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун барча шароит яратилди.**

**● Жиззах вилояти ҳокимлиги, Халқаро тиббий алоқалар маркази, «Pharmed sanoat» компанияси томонидан «Аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилашда юқумли касалликларнинг олдини олишнинг аҳамияти ва бу ишнинг соғлиқни сақлаш бошланғич бўғинларида амалга оширилиши» мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.**

**● Янгиерлик тадбиркор Ҳайдар Жўраев карбид ва электрод ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу лойиҳани амалга оширишда унга банкдан ажратилган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит қўл келди. Ҳозирда 50 киши меҳнат қилаётган корхонада хориж технологияси асосида ойига ўртача 45-50 миллион сўмлик қурилиш хом ашёси тайёрланмоқда.**

**● Яккабоғ туманидаги «Ҳумо текс» масъулияти чекланган жамиятида чиқинди пахтани қайта ишлайдиган янги технологик линия ишга туширилди. Йилига 200 минг тонна момиқ пахта тайёрлашга мўлжалланган ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 300 миллион сўмлик маблағ сарфланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Россия ва Швейцария президентлари икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка доир бир қатор масалаларни кўриб чиқишди.**

**● Жанубий Африка Республикасида ойлик маошларини 8,6 фоизга кўтаришни талаб этган ҳолда давлат хизматчиларининг иш ташлашлари давом этмоқда. Мамлакат маъмурлари эса ҳозирги иқтисодий шароитда маошни фақат 7 фоизгагина ошириш мумкинлигини таъкидлашмоқда.**

**● Украина ва Россия Қора денгиз флоти масаласи бўйича 13 та битимни имзолашга тайёрламоқда.**

**● Кеча Канада полицияси томонидан террорчилик ҳаракатларини тайёрлашда гумон билан уч киши қўлга олинди. Ушланганлар ёнидан терактларни амалга ошириш бўйича йўриқномалар топилган бўлиб, уларнинг афғон жангарилари билан алоқада эканликлари ва Канадада бир нечта қўпорувчилик ҳаракатини амалга оширишни мўлжаллаганликлари маълум бўлди.**

**● Бельгияда темир йўл кассалари ходимлари иш ташлашди.**

**● Кеча Франциянинг Париж ва Лион шаҳарларидан 250 нафар лўли ўз Ватани бўлмиш Руминияга қайтариб юборилди. Франция маъмурлари бу ерга келган лўлиларнинг уч ой давомида ишга ёки ўқишга кириши лозимлигини талаб этмоқда.**

**● Ўрмоннинг бир қисми қирқилиб, дастлабки ишлар бошланиб кетган бўлса-да, норозиликнинг ошиб бориши муносабати билан Россия президенти томонидан Москва — Санкт-Петербург дастлабки пулли йўлининг Химки ўрмони орқали қурилиши тўхтатилди.**

**● Эрон газ ўтказгичида рўй берган портлашдан сўнг Туркияга газ етказиб беришни вақтинчалик тўхтатди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Юнусобод туманида жойлашган шаҳар 1-болалар шифохонасида Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан бир қатор ташкилотлар ҳамкорликларида юртимиз Истиқлолининг 19 йиллигига бағишлаб «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

✓ **КЕЧА** 23-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими ташаббуси билан «Юлдузлар ташрифи» лойиҳа доирасида концерт дастури намойиш этилди.

✓ **СЕРГЕЛИ** тумани фаоллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимиз Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш борасида амалга оширилган тайёргарлик ишлари сарҳисоб қилинди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

**Ибрагимов Мурод Ҳусанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ходими

**Ирданов Хабибулла Хамидуллаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Исоқов Ҳасан Тохиржанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қаршиев Абдурашид Абдуғаниевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси секция командири

**Клементьев Виктор Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Портлаш техникаси экспертиза маркази бўлинма бошлиғи

**Қодиров Баҳодир Раҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қозақов Махмуджон Мамажанович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Қўлдашев Муҳиддинжон Абдуҳафизович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мадвалиев Хасан Орипович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинма командири

**Махмудов Отабек Аъзамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ инструктори

**Мирзаев Шухрат Абдурашитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Насриддинов Жамшид Абдужабборович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ мутахассиси

**Нормуратов Даврон Давлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Полвонов Абдурашид Боқижонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Портловчи қурилмалар ва моддаларни зарарсизлантириш ва йўқ қилиш махсус отряди гуруҳ командири

**Примов Ўткир Ўктамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод командири

**Пўлатов Азизжон Маъруфович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳмонов Отабек Қосимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод назоратчиси

**Рахматов Сираджиддин Хикматович** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Рўзматов Шавкат Муродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Саъдуллаев Отабек Қурбондурдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм механик-ҳайдовчиси

**Солиев Ҳамро Ҳосилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод мутахассиси

**Султонов Тулкинжон Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси катта тезкор вакили

**Сўпихўжаев Мирзахўжа Бобохўжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Турғунов Раҳмонали Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турсунов Шаҳзод Ғафурович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умирзақов Аброржон Миртазақулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг взвод мутахассиси

**Файзиев Хусейнджон Чориевич** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати отряд командирининг ўринбосари

**Ҳамраев Жамшид Муродуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг взвод мутахассиси

**Ҳайитов Дилшод Маҳаммадиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шодиев Ҳайдар Шодиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдукаримов Аваз Рихсибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Акбаров Ойбек Ғуломович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

**Алламуродов Абдукарим Абдувахидович** — Жиззах вилояти Жиззах тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Аминов Одил Шодиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Артикбоев Аъзамжон Турдалиевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Ғаппаров Баҳодиржон Алиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Граждан Лариса Петровна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпиталининг ҳамшираси

**Дехқанов Баходир Акбаралиевич** — Андижон вилояти прокурори

**Қодиров Тўланбой Абдулҳаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Камолов Рустам Азизович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Қаҳҳоров Акмалжон Тоштемирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Керцман Елена Абрамовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тиббиёт бошқармаси лабораториясининг мудираси

**Қодиров Шавкатжон Зокиржанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мамаджанов Абдураҳим Абдурауфович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Бирлашган штаби Бош бошқармасининг бошлиғи

**Маматов Алишер Ўроқович** — Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мирходжаев Ботир Мирхалилович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Мискинов Бахтиёр Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи

**Нормуратов Фарҳод Хўжамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Норов Амирилло Ёрқулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Садиқов Онгарбай Пердебаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Саидов Темирхан Магомедович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Умаров Равшан Тельманович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Усмонов Бахтиёржон Баҳодирович** — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Андижон техник мактаби ўқитувчиси

**Хайдарова Голиба Субхоновна** — Бухоро вилояти Ғиждувон туман прокуратураси катта нозири

**Ҳидоятов Ҳусниддин Миркамолович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Штапова Вера Антоновна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юнусов Бахадир Тулкунович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи

**Юсупов Бахтиёр Ражабалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдирахимов Абдирасул** — Наманган вилояти Учқўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Абдуллаева Мунира Убайдуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази илмий котиби

**Абдурахманов Алишер Абдурашидович** — Андижон вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

**Атаджанов Рустам Абдуллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Давлат солиқ инспекцияси катта инспектори

**Аҳмедов Азиз Акмалович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Бабамурадов Комилжан Хомидович** — Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Ғаниев Улуғбек Одилович** — Давлат божхона қўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи

**Дастанов Эркин Шакарович** — Навоий шаҳар «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Ерназаров Полатбай Каримбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Ефремов Сергей Владимирович** — Хоразм вилояти Хива тумани «Гулирайхон» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Жумаева Мунира Сайфиевна** — жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Ромитан туман суди девонхона мудири

**Жўраев Ойбек Қаландарович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

**Зулунов Абдураҳимжон Абдулҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм алоқа тармоғининг радиостанция бошлиғи

**Каримов Хушнуд Римбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Қуранов Матлаб Маҳаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Куртвелиева Зера Курттелиевна** — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани прокуратураси катта нозири

**Масудов Мухамадхон** — Фарғона вилояти Данғара тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари

**Матмусаев Махаматжон Махмудович** — Жиззах шаҳар «Зилол» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Матяқубов Музаффар Сапарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Мугалова Тазагуль Калниязовна** — Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси девонхона мудири

**Муллажанова Зухра Зияитдиновна** — Андижон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бош инспектори

**Назаров Шухрат Абдукаримович** — Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

**Носиров Каримжон Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси махсус қидирув-разведка гуруҳи мутахассис-инструктори

**Нурдинов Адилжон Исмайлович** — Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Рузиева Барно Ташпулатовна** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири

**Саатова Гульнора Урдушевна** — Жиззах вилояти прокуратураси катта нозири

**Сайфудинов Низомиддин Эркинбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Сатторов Акмал Аликулович** — Қашқадарё вилояти Қарши тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Сафаров Анвар Аликулович** — Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани «Дўнгариқ» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Сиддиқов Отабек Мамазулунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ командирининг ўринбосари

**Султонов Акмалжон Сайибназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Тажибаев Камилжан Хасанович** — Урганч шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Турғунов Дониёр Даминжонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти бўлим бошлиғи

**Турдиев Рашидхон Ражабович** — Қашқадарё вилояти Нишон тумани «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

**Тхай Галина** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи

**Узақов Жафар Қодирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Шералиева Дильнара Маннаповна** — Фарғона ҳарбий академик лицейи ўқитувчиси

**Шукуров Жалол Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эранов Абдурасул Гаппорович** — фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раиси

**Эргашев Музаффар Ғаниевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патрул-пост хизмати милиционери

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 26 август*

**Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида**

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАННАТМОНАНД ЮРТ

**Байрамлар орасида энг улуғи, энг азизи, шубҳасиз, ҳурлик, мустақиллик, истиқлол айёмидир. Озод ва обод юртимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги шодиёналарига тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда бу яна бир бор ёрқин намоён бўлмоқда. Зеро, халқимиз эришган улуғ неъматлар – тинчлик ва осойишталик, фаровонлик, инсон манфаатларининг устуворлиги, бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгаришлар – буларнинг барча-барчаси истиқлол туфайлидир.**

**Ўзбекистон ЎзА мухбирлари юртимизнинг турли ҳудудларида меҳмон бўлиб турган хорижлик сайёҳлар билан шулар хусусида суҳбатлашди.**

**Ёнг Эн ПАК (Жанубий Корея):**

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида бўлдим, улар менга жуда ёқди. Айниқса, тарихий жойлар, қадимий обидалар, йўллар ва кўчалардаги озодалик, бозорларнинг тўкинлиги, ширин-шакар мевалар катта таассурот қолдирди. Энди Хоразмга бормоқчиман. Юртингиздаги ҳар бир шаҳарнинг жуда қизиқарли ва бой тарихи, ўзига хос маданияти борлиги, бу шаҳарларда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаётгани эътиборга лойиқ.

Ҳамма ердаги каби Қарши шаҳрида ҳам спортга яхши эътибор берилар экан. Бу ерда замонавий ва чиройли спорт иншоотлари, стадионлар кўп экан.

Умуман, ўзбеклар меҳмондўст, меҳнатсевар, бағрикенг халқлигига ишонч ҳосил қилдим. Халқларимизнинг мақсадлари ҳам муштарак. Ўзбек ёшлари орасидан кўплаб дўстлар орттирдим.

Мустақиллик байрамига пухта тайёргарлик кўрилаётгани ҳар бир шаҳарда сезилиб турибди. Бу эса Ўзбекистонда истиқлол байрамининг кўтаринки руҳда нишонланиши ва жуда қадрланишидан далолатдир.

**Георг БИТЦМАН (Германия):**

– Кўп мамлакатларда бўлганман. Бироқ Ўзбекистон бетакрор табиати, бағрикенг халқи, ноёб қадимий обидалари-ю замонавий бинолари билан ўзгача тароватга эга. Юртингизнинг шаҳарлари менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу юртда одамлар бир-биридан хабар олиши, қўшничилик муносабатларининг мустаҳкамлиги, маҳалла институтининг қарор топгани бошқа жойларда деярли учрамайди.

Энг муҳими, Ўзбекистон янги давлат, янги жамият қуришнинг ўзига хос, мустақил йўлини танлагани бугун барча соҳаларда яққол сезилмоқда ва бу ўзининг юксак самараларини бермоқда. Қишлоқларда бўлганимда, оддий одамлар билан суҳбатлашиб, уларнинг турмуш тарзини бевосита кузатганимда бунга амин бўлдим.

Бетакрор нилий гумбазлари, осмонўпар миноралари кўкка бўй чўзиб турган Хивадай шаҳри азимни томоша қилиб, ҳайратим янада ошди. Кўз олдимда гўё тарих жонлангандай бўлди, ўзимни худди эртаклар оламида юргандек ҳис қилдим. Шаҳардаги Ичанқалъа ва Дишанқалъанинг салобати, кўрки хотирамда бир умр муҳрланиб қолади.

**Роберт КЕЙТИГ (Франция):**

– Қадимий Хива шаҳрида нурафшон тонг отишини кузатиб, баҳри-дилим очилди. Ҳар бир обида аждодларингизнинг бой закоси, бунёдкорлик салоҳиятини намоён этиб турибди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан юртингиздаги минглаб ана шундай тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидламоқчиман. Парижда ўтказилган кўплаб халқаро тадбирларда ҳам бу алоҳида эътироф этилган. Бутун дунёга машҳур тарихий шаҳарларингиз ва истиқлол йилларида мамлакатингиз эришган улкан ютуқлар Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг ўтмишдаги ва бугунги кундаги улкан салоҳиятидан, буюк келажагидан дарак беради.

Юртингиз бозорларини айландим. Ширин-шакар қовун-тарвузларнинг, болдек меваларнинг таъми оғзимда қолди. Келаси гал Ўзбекистонга турмуш ўртоғим ва фарзандларимни ҳам олиб келиб, гўзал ўзбекона урф-одатлар билан яқиндан таништиришни ният қилдим. Ўзбекистонда бўлган ҳар бир сайёҳ яна соғинч билан бу юртга талпиниши шубҳасиз.

**Бо Рам ВОН (Жанубий Корея):**

– Ўзбекистон билан янада яқин танишиш мақсадида икки ой ўзбек тилини ўргандим. Бухоро, Фарғона, Қарши шаҳарлари менда ўчмас таассурот қолдирди. Айниқса, замонавий йўллар, уларнинг равон ва саришталиги, Ўзбекистон табиатининг бетакрор гўзаллиги таҳсинга лойиқ. Бухородаги Лаби Ҳовуз, Арк каби муқаддас қадамжолар ва қадимги ёдгорликлар менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон бой тарих ва маданиятга эга мамлакат экан. Қаршидаги Одина масжиди, қадимий обидалар билан танишиш жараёнида бу юртнинг узоқ тарихи ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим. Жаннатмонанд юрт – Ўзбекистонга келгусида яна келиш ниятидаман.

**Пьеро ЛЕМБИ (Италия):**

– Хива шаҳрининг улуғвор обидалари кишига завқ, ҳайрат улашиш баробарида чуқур мушоҳадага чорлайди. Асрий обидаларга тикилиб, киши беихтиёр вақтнинг учқурлиги, ҳаёт ҳикматлари ҳақида ўйлайди...

Шаҳар ва қишлоқларингиздаги замонавий таълим масканларини, шинам уй-жойларни кўриб, аҳоли, айниқса, ёш авлод манфаати йўлида мамлакатингизда салмоқли ишлар амалга оширилаётганини, ёшлар учун кенг имкониятлар яратилаётганининг гувоҳи бўлдим. Бозорлардаги тўкин-сочинлик, савдо расталаридаги миллий ҳунармандчилик намуналари, оддийгина лойдан моҳирона ясалган сопол буюмлар ҳайратимни янада оширди.

Халқингиз нигоҳидаги бахтиёрлик, шукроналик юртингиздаги тинчлик ва осойишталикнинг, фаровон турмушнинг ёрқин ифодасидир.

**Аҳад МУХАММАДИЕВ,**
**Шавкат ХУДОЙБЕРГАНОВ**
**ёзиб олди**

# Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

**Мустақиллик йилларида кўп миллатли халқимизнинг манфаати давлатнинг устувор сиёсати даражасида ва қонунчилик кафолати остида таъминлаб келинмоқда. Бу борада давлат ва жамият қурилишида устувор деб белгиланган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили ҳаётда ўз ифодасини топаётганини, ислоҳотлар энг олий қадрият — инсон ва унинг манфаатига хизмат қилаётганини, демократик жамиятнинг пойдевори миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш асосида барпо этилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.**




*Кўп миллатли халқимиз маданиятининг ранг-баранг қирралари ва ўзига хослиги эса айниқса шу шукуҳли кунларда миллий-маданий марказлар томонидан намойиш этилаётган куй-қўшиқларда ёрқин ифода топмоқда.*

*Энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Республика Байналмилал маркази директори* ***Насриддин МУҲАММАДИЕВ*** *билан суҳбатимиз мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон манфаати ва эркинликлари таъминланиши борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида кечди.*

## ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — ТИНЧЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКДИР



— Ўзбекистон нефть, газ, олтин, бошқа табиий бойликларга эга давлат. Биз пахта ва дон етиштиришда мустақилмиз. Албатта, бу — бебаҳо неъматлар. Зеро, иқтисодий салоҳиятимизнинг мустаҳкамланиши, фаровон ҳаётимизнинг юксалиб боришида айнан ички имкониятлар алоҳида ўрин тутади. Аммо маънавий бойлик, тинчлик-хотиржамлик бўлмаса, бундай бойликлар татирмиди!

Юртбошимиз Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ бу масалани долзарб деб, энг катта бойлигимиз, Ўзбекистоннинг энг олий қадрияти — бу жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро тотувликни асраш ва мустаҳкамлашимиз лозим, деб таъкидлайди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ўзбек халқининг ўзлигини англаш ҳисси ва маънавий юксалиб бориши сари аҳоли жамиятнинг янгиланишида, унинг демократлашишида асос бўлиб, дунё ҳамжамиятига кириб боришига ҳам замин яратади.

Бугун дунёда глобаллашув жараёнлари қизғин кетмоқда. Бир томондан иқтисодий интеграциялашув кучайиб бораётир, миграция ҳам фаол кечмоқда, жамиятнинг ижтимоий тизимида сифат ўзгаришлари намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, сир эмаски, дунёда турли таҳдидларга қарши тура олиш учун бутун башариятда, алоҳида мамлакатларда ҳам тинчлик ва тараққиёт таъминланишининг устувор йўналишларидан бири бўлмиш миллатлараро муносабатларнинг барқарор тизимини яратиш масаласи ҳам устувордир. Бу, албатта, кўп миллатли Ўзбекистон халқига, 130 дан зиёд миллат ва элатлар истиқомат қилувчи мустақил юртимизга ҳам тааллуқли масаладир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Мустақиллик йилларида республикамизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат асосида тенгҳуқуқлилик ва ҳамжиҳатлик таъминланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ифода топишида бу масалаларнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада Президентимиз халқимизга хос ва чуқур илдизга эга олижаноб фазилатлар устида тўхталиб ўтар экан, айниқса бағрикенглик ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ўта муҳим ҳисобланиши, барча жабҳада, демократик жамиятни барпо этиш йўлида алоҳида ўрин тутишини таъкидлайди.

Жамоат онгида табиий равишда маданият, дин, тиллашув хилма-хиллиги тушунчаси шаклланган. Бугунги кунда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси миллатидан қатъи назар барча нарсада тенг ҳуқуққа эга ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол қатнашаётир. Шубҳасиз, бундай имкониятлар негизида авваламбор мустаҳкам қонуний-ҳуқуқий асос ётади. Бош Қомусимизда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тенг ҳуқуқ ва эркинликка эга, миллати, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида ҳам тенгдир, дея мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, турли миллат ва элатларнинг тили, анъаналари, урф-одатлари, маданияти ҳурмат қилиниб, уларни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Республикамизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Конституция ва бошқа қонунларда фуқароларнинг мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

— **Ушбу ҳуқуқий меъёрларнинг амалдаги ифодаси хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Агарда бундай меъёрлар турмушимизга сингиб кетган ва ҳар қадамда намоён бўлади десак, адашмаймиз. Аниқлик киритиш жоиз бўлса, Бош Қомусимиз асосида мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат фуқароларининг ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид бир қатор қонунлар қабул қилинган. Жумладан, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун давлатнинг динга муносабатини акс эттиради. Конституциямизда ва ушбу қонунда ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши мумкин ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Республикамизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар рўйхатга олиниб, фаолият юритаётгани ҳам тегишли қонунларда кафолатланган ҳуқуқларнинг амалдаги тасдиғидир.

Турли миллат вакиллари ҳукумат органларида фаолият юритади. Улар орасида Сенат аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бор. Маҳаллаларимиз ҳам кўп миллатли бўлиб, ўнлаб ўзини ўзи бошқариш органларига рус, татар, қирғиз, қозоқ, украин, арман, тожик миллатига мансуб фуқаролар бошчилик қилиб келмоқда. Мустақиллик йилларида миллий-маданий марказлар фаоллари бўлмиш 70 дан зиёд ватандошларимизнинг самарали меҳнати давлат томонидан муносиб тақдирланди. Чунончи, шу кунларда Истиқлолимизнинг 19 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ ўнлаб турли миллат вакиллари юксак мукофотларга сазовор бўлишди.

Фуқаролик жамиятининг ёрқин намунаси сифатида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун ҳам амалда кенг ифода топмоқда. Бугунги кунда республикамизда беш мингдан зиёд жамоат ташкилоти фаолият юритади. Шулар орасида 150 тага яқин миллий-маданий марказлар ҳам бор. Жамоатчилик тузилмаси бўлган бу марказлар ўзига хос миллий маданиятни ривожлантириш баробарида, ёшларимизни барча миллат ва элатлар маданиятини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишларига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айрим миллий-маданий марказлар қошида тузилган «якшанба мактаблари»да ёшлар, катта авлод вакиллари ҳам ўз урф-одатлари, маданияти, тили, тарихини ўрганиши мумкин. Ушбу тузилмалар турли тилларда таҳсил берувчи мактаблар билан алоқа ўрнатган. Яхши маълумки, мамлакатимизда ўзбек тилидан ташқари, рус, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, туркман, қирғиз тилига ихтисослашган мактаблар фаолият юритади. Айрим олий ўқув юртларида эса ушбу таълим бўғини учун ўқитувчи кадрлар тайёрланади.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ягона оилада» кўрсатувлари ва эшиттиришлари орқали кўп миллатли Ўзбекистон ҳаётини акс эттирувчи дастурлар мунтазам намойиш этиб келинади. Газета ва журналлар ҳам турли тилларда чоп этилади.

— **Албатта, халқимиз бағрикенглигини ифода этувчи бундай ҳаракатда Республика Байналмилал марказининг ўрни алоҳидадир...**

— Республика Байналмилал марказининг ташкил этилиши, шубҳасиз, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришга йўналтирилган давлатимиз сиёсатининг ёрқин далилидир. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган бу марказ мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжини қаноатлантириш, миллий-маданий марказларга ҳар бир миллатга тааллуқли урф-одат ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш борасида амалий ва услубий ёрдам бериб келади. Шунингдек, бағрикенглик тамойилларини қарор топтириш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширади ва ўз саъй-ҳаракатларига давлат ва жамият ташкилотларини ҳам кенг жалб этади.

Айни пайтда Республика Байналмилал маркази, айтиб ўтилганидек, 150 га яқин миллий-маданий марказ фаолиятини мувофиқлаштиради. Турли миллат вакилларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида, хусусан, умумхалқ байрамлари билан боғлиқ катта тадбирларда фаол иштирок этишини таъминлаш ҳам фаолиятимиз асосини ташкил этади. Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Республика Байналмилал маркази қошида тузилган жамоатчилик кенгаши таркибига давлат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан миллий-маданий марказлар раҳбарлари киритилган. Жойларда ҳам вилоят ҳокимлари бошчилигида худди шундай мувофиқлаштириш кенгашлари фаолият юритади. Ҳар бир вилоят ҳокими ўз ҳудудида миллий-маданий марказларга ҳар томонлама ёрдам бериш баробарида минтақада тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг таъминланишига масъулдир. Хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши билан ҳам изчил ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Шаҳримиз марказида жойлашган Республика Байналмилал марказини Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат вакилларининг ўзига хос учрашув маскани деса бўлади. Бу ерда илмий-амалий конференциялар, учрашувлар, фестиваллар, бошқа кўплаб маданий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

— **Шу кунларда республикамизнинг барча минтақаларида бўлиб ўтаётган дўстлик фестиваллари ҳам айнан марказда бошланиб, кенг тус олаётган бўлса керак?**

— Дарҳақиқат, «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Бизнинг қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Мақсадимиз бир, ғоямиз бир, Ватанимиз ягонадир!» шиорлари остида юртимиз бўйлаб кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ранг-баранг анъаналарини акс эттирувчи дўстлик фестиваллари ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар доирасида янги-янги истеъдод соҳиблари кашф этилиши билан бирга, ўз навбатида, республикамизда миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда.

Ўз маданиятини жаҳон ва ўзбек маданияти билан уйғун ривожлантирган ҳолда, кўп миллатли халқимиз ягона қадрият, умумий ахлоқий фалсафани шакллантиради. Бу эса мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келаётган асосий ахлоқий ўзакдир. Шу ўринда бугун Тошкент Фотолар уйида очилган «Ўзбекистон – умумий уйимиз» кўргазмаси ушбу ғояни ўзида мужассам этган десак, муболаға бўлмайди.

Умуман айтадиган бўлсак, миллат ва элатларнинг ўзига хос маданияти ва маънавий қадриятларининг ривожланиши мустақил юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришига хизмат қилаётир.

Фурсатдан фойдаланиб, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларини 1 сентябрь куни миллий-маданий марказлар томонидан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида Истиқлолимизнинг 19 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган байрам дастурига таклиф этиб қоламиз. Учрашув жойи — ҳар доимгидек халқимиз орасида байналмилал маскани деб эътироф этиб келинаётган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғидир. Мустақиллик байрами барчамизга муборак бўлсин!

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**суҳбатлашди**

## МУСТАҚИЛЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, шоир-ёзувчилар ва ёшлар иштирок этди.

Юртимизда эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли – Мустақиллик айёмига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жойларда Президентимиз томонидан илгари сурилган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» эзгу ғоясининг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Мустақиллик йилларида барча жабҳада эътирофга молик улкан ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига кўмаклашиш, ўғил-қизларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш ишлари Баркамол авлод йилида янада кенг қамров касб этмоқда. Тадбирда сўзга чиққанлар республикамизнинг ҳар бир гўшасида ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани, намунавий лойиҳа асосида замонавий уй-жойлар, катта-катта иншоотлар барпо этилаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Айтиш жоизки, Энг улуғ, энг азиз айём – Истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги олдидан жойларда ўтказилаётган учрашувларда барча соҳаларда қўлга киритилаётган бетимсол ютуқларни эътироф этган ҳолда, бебаҳо бойлигимиз – тинч ва осуда ҳаётни қадрлаш, мустақилликни эъзозлаш зарурлиги таъкидланмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, халқимиз онгу шууридаги, турмушидаги ўзгаришлар хусусида сўз юритилди. Яратилаётган барча шарт-шароитлар аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли эканлиги қайд этилди. Анжуманда «Тинчлик ва барқарорлик йўлида», «Ватан ва инсон манфаати – олий мақсад» сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

## ЭНГ ЯХШИ ИЖОДИЙ ИШ ҒОЛИБИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида иншолар танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг якуний босқичида 30 нафардан ортиқ иқтидорли ўқувчи иштирок этди.

Ёшларимиз қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш, дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш ҳамда иқтидорли, ижодкор ёшларни рағбатлантириш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида бундай тадбирлар ўтказиш анъана тусига кирган.

— Танлов шартларига кўра ўқувчилар юртимизнинг бой тарихий ва маънавий меросини чуқур билиши, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва жамиятда рўй бераётган ислоҳотларни изоҳлаши, ёшларнинг келажаги, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими мутахассиси Муҳайё Тўлаганова. — Шу билан бир қаторда мамлакатимиз ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли давомида давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат каби барча соҳаларда ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганлигини теран мушоҳада қилиб, ижодий қобилиятини намоён қила олиши керак. Бунинг учун ўқувчи Президентимиз асарлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий мавзудаги адабиётлардан хабардор бўлиши, юртимизда миллий ўзликни англаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасидаги ижобий ўзгаришларни таҳлил қила олиши керак.

Танловда юртимиз ёшларининг камолоти йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, илм-фан, спорт, санъат йўналишларида муваффақият қозонган ўғил-қизлар ҳаётини акс эттирувчи ижодий ишларни ҳам учратиш мумкин.

Танлов якунига кўра, 34-мактаб ўқувчиси Камола Шуҳрат қизи биринчи, 218-мактабдан Наргиза Абдусаматова иккинчи ва 82-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Азиза Асқарова учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, «Энг яхши матн», «Энг яхши сарлавҳа», «Энг чиройли ҳуснихат», «Энг яхши публицистик ижодий иш», «Энг бадиий ижодий иш», «Энг қизиқарли ва ҳаётий ижодий иш», «Энг яхши дунёқараш эгаси» номинациялари бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

**«Туркистон-пресс»**

NERUDNIK



«NERUDNIK» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

азиз юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам —

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

19 ЙИЛЛИГИ

билан самимий муборакбод этади.




«ЁШЛИК» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда «МАҲАЛЛА» хайрия жамғармаси шаҳарча бўлими



азиз ватандошларимизни, истиқболи порлоқ ёшларимизни Истиқлолимизнинг 19 йиллик тўйи билан самимий муборакбод этади.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин. Юртимиз осмонида ҳамиша тинчлик кабутарлари учиб, озодлик ва дўстлик куйлари янграб турсин.





Халқимиз фаровонлиги ошиб, дастурхонимиз тўкин бўлсин, диёримиз довруғи дунёларни забт этаверсин.



ИСТИҚЛОЛИНГ МАНГУ БЎЛСИН, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

«SHOXRUXXON MEGA SERVIS»

масъулияти чекланган жамиятига қарашли

«ЯНГИОБОД»

ресторани жамоаси мухтарам ватандошларимиз ва азиз ҳамшаҳарларимизни



Истиқлол айёми билан чин юракдан қутлайди.



Сизларга қуйидаги хизматларимизни таклиф этамиз:

500 ўринли катта ва 180 ўринли кичик залимиз бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланган бўлиб, тўй-тантаналар, шодиёналар ва маросимларни кўнгилдагидек ўтказишда ходимларимиз бекаму кўст хизмат кўрсатади. Унутилмас, қувончли кунларингизнинг файзли ўтишини дилдан истасангиз, биз билан ҳамкорлик қилинг.



Манзил: Ҳамза тумани, «Янгиобод» даҳаси, Шоҳсанам — Тошлоқобод кўчалари, 58-уй.
Тел.: 298-74-52; 711-46-21

Хизматлар лицензияланган.

Хорижий технологиялар асосида лок-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқараётган

LOK Kolor SINTEZ

қўшма корхонаси



барча юртдошларимизни МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ билан табриклайди

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, муваффақият ва келгусида равнақ тилаймиз!

Бизнинг маҳсулотларимиз сизнинг ҳаётингизни янада гўзал ва кўркам қилади!

Ҳаётингни ранг-баранг қил!

ISO 9001; ISO 14001; ISO 18001

Тошкент ш., 100005, Фарғона йўли кўчаси, 13/22. Тел.: (99871) 291-47-41, 291-80-94. Факс: (99871) 291-74-63
e-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz

ФИРМА ДЎКОНИ қуйидаги манзилда жойлашган: Фарғона йўли кўчаси, 13/22

## «ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» СУПЕРМАРКЕТ ОАСИЧЖ

барча юртдошларимизни ҳаммамиз учун Энг улуғ ва энг азиз байрам — давлатимиз мустақиллиги куни билан самимий табриклайди.



Она диёримизга тинчлик, халқимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларига файзу барокат тилайди.

*Қадрли тошкентликлар ва пойтахтимизнинг азиз меҳмонлари! Сизларни универмагимизда ташкил этилган байрамолди савдосига таклиф этамиз. Сотувчиларимиз Сизларга намунали савдо хизмати кўрсатишга доим тайёрлар.*




**Бизнинг манзилимиз:**
Ўзбекистон шох кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-62-88; Факс: 233-76-37

IPOTEKA BANK



**Азиз юртдошлар!**
**Ипотека-банк**
**жамоаси**
**Сизларни**
**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ**
**билан муборакбод этади**

ЎзР МБ нинг 74 сонли лицензияси

## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР, МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

## БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ

*барчангизни Энг азиз ва энг улуғ байрам- Истиқлолимизнинг 19 йиллиги билан чин қалбдан самимий қутлайди.*

**Сиз, азизларга, мустаҳкам соғлиқ, оилангизга тинчлик-тотувлик, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизга ривож тилаймиз. Юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон бўлсин.**



**Маданий ҳордиқ чиқариш учун Боғимизга марҳамат қилинг!**

## Жонажон мамлакатимиз Мустақиллигининг қутлуғ 19 йиллиги

Rezalit

**шукуҳи ҳукмрон бўлган ушбу фараҳбахш кунларда азиз юртдошларимиз ва қадрли ҳамшаҳарларимизни улуғ айём билан самимий муборакбод этамиз.**



*Ҳаётингиз ҳамиша фаровон, дилларингиз нурафшон бўлсин. Озодлик ва эрк қуёши бошимиз узра порлаб, йўлларимизни ёритиб турсин. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги муваффақиятларимиз юксалаверсин!*

Самимий тилаклар билан



**«REZALIT KOLOR»**
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИ!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ**



*юртимизга файз-тароват ила кириб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрам —МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ билан барчангизни самимий муборакбод этади.*

Истиқлол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга озодлик, халқимизга фаровонлик ато қилгани абадий бўлсин!

*Шодиёна муносабати билан фахримиз бўлган шаҳримиз аҳолисини табриклаб, Сизларга лицензияланган йўловчи ташиш автотранспорт воситаларида сифатли ва намунали хизмат кўрсатиш масъулиятини ҳис этган ҳолда, жамоат транспорти ишининг назоратчиси—йўловчи экангингиздан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги телефонлар орқали билдирасиз деб умид қиламиз.*

*Тел.: 233-78-43, 244-57-86, 233-48-16, 233-39-62.*



## "ШАРҚ ГУЛИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ ВА ҲАЁТИМИЗ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШАЁТГАН СОҲА ХОДИМЛАРИНИ

ҳар диёримизга зафарларга тўлиқ ҳолда кириб келаётган энг ардоқли айём – Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда қутлайди.



**ВАТАНИМИЗ ТИНЧ, ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН, ХАЛҚИМИЗ ОМОН, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!**

Юртимиз тараққиёти, элимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан омадлар тилаймиз, азизлар!

## «АЪЛО ОМАД РИВОЖ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*пойтахтимиз аҳлини, эл-юрт хизматига камарбаста барча тадбиркорларни республикамиз Мустақиллигининг 19 йиллик байрами билан чин юракдан қутлайди.*

Ишларингизда барака, эзгу мақсадларингиз йўлида омад тилаймиз.

Тадбиркорларимизнинг иқтисодиётимиз ривожидаги ҳиссаси янада ортишига тилакдошмиз.



**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ҚАДРДОНЛАР!**


**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран М.Улуғбек тумани СИБ томонидан,** Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, "Нексия" русумли, д/р 11Y0677 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.08.2009 йилдаги №28273/08. Бошланғич баҳоси – 12 150 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 21 сентябр куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

**Шунингдек,** Чилонзор тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб "Тошкент оқшоми" газетасининг 06.08.2010 йилдаги 152-сони ва "Частный сектор" газетасининг 12.08.2010 йилдаги 32-сонида чоп этилган хабарномалар билан «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг аукцион савдоларига чиқарилган, Яккасарой тумани Х.Умаров кўчаси автобус бекатида жойлашган савдо мажмуаси бўйича аукцион савдолари тўхтатилганлигини маълум қиламиз. **Савдосини тўхтатишга асос:** Чилонзор тумани СИБнинг 25.08.2010 йилдаги к-7/21437/1-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. **Лицензия: DB 001 №000004.**






**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

## ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

**2010-2011 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида Тошкент шаҳрида 2010 йилнинг 6 сентябрдан 30 сентябрь кунигача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамлиликка ва зичликка (юқори босимга) синовлари ўтказилади.**

**1-ИМ (М-1,4)**

7 сентябрь куни — Мустақиллик шоҳкўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, И.Мўминов, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Паркент, Боғишамол кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, "Тошқишлоқмаш", Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС қўрғони, Ҳамид Олимжон майдони.

**2-ИМ**

20 сентябрь куни — Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Ҳамроев, А.Убайдуллахўжаев кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.

**3-ИМ**

30 сентябрь куни — Бунёдкор шоҳкўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, А.Хўжаев, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли,Самарқанд Дарвоза, Абай кўчалари, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10, 11,14, М-26, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш- 2/1, 2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0)

8 сентябрь куни — Амир Темур шоҳкўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик кўчалари, М-1,5,6 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

**4-ИМ (М-1)**

6 сентябрь куни — Кичик ҳалқа йўли, Н.Ҳасанов, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, М.Шамсутдинов, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтоҳур, А.Ҳидоятов кўчалари, М-12,13,15, М-17, 18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/1, 2/2, 2/5 турар жой мавзелари.

**4-ИМ (М-4,8)**

16 сентябрь куни — Амир Темур шоҳ кўчаси, Юнусобод даҳаси 1—19 мавзелар, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари.

**5-ИМ**

21 сентябрь куни — Чилонзор даҳаси — 9—12, Г9а, 16—20, 20А мавзелар, Қизил Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2 мавзелари, Заргарлик, Фарҳод, Кичик ҳалқа йўли, Нақќошлик, Катта Хирмонтепа кўчалари.

**6-ИМ**

17 сентябрь куни — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлиқ - 1—7 турар жой даҳалари, Қўйлиқ-айланма йўл.

**7-ИМ**

8 сентябрь куни — Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Слоним, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Тузел -1,2,3,4, УҚК-1, Слоним-1,2, Авиасозлар турар жой даҳалари.

**8-ИМ**

7 сентябрь куни — Сергели 1—8А, Йўлдош-8,15,16,17, Дўстлик – 1,2 турар жой даҳалари, Янги Сергели йўли, Меҳригиё, А.Ахматова, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

**9-ИМ**

6 сентябрь куни — Чилонзор даҳаси 22, 24, 30,31 мавзелар, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий – 1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой даҳалари, Тақачи, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа кўчалари, Фозилтепа 2-тор қўчаси.

**10-ИМ**

14 сентябрь куни — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Олим Хўжаев, Ғ.Каримов, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш –2/2, 2/3, 2/4, Тансиқбоев-1, 2, 3, 4, А.Хўжаев, Қамарнисо,ЎзМУ – ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино-1,2, Белтепа даҳалари.

**ИЭМ (М-0)**

13 сентябрь куни — Навоий, Рашидов, Бобур, Шота Руставели, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота, Дўмбиробод, Дўмбиробод 4-тор кўчаси, Кичик ҳалқа йўли, Оқтепа, Яккасарой, Фарҳод, Чўпонота, Новза-Қозиробод кўчалари, Чилонзор турар жой даҳалари 1—10, Е, И, Ц, 12—15, 21, 23, 26 мавзелари, Дўмбиробод, М-7 турар жой даҳалари.

**ИЭМ (М-5,8)**

15 сентябрь куни — Амир Темур шоҳ кўчаси, Бобур, Глинка, Афросиёб, С.Толипов, Я.Ғуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Мустафо Камол Отатурк, Кичик ҳалқа йўли,Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5 турар жой даҳалари.

**"Водник" қозонхонаси**

17 сентябрь куни — "Сувсоз" турар жой даҳаси ҳудуди, Ҳусайн Бойқаро кўчаси.

**"ТТЗ" қозонхонаси**

14 сентябрь куни — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой даҳалари ҳудуди, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Юзработ кўчалари.

**"Саноатэнерго" қозонхонаси**

21 сентябрь куни — "Қурувчилар" турар жой даҳаси.

**"Саноатэнерго" қозонхонаси таъсир доирасида 21 сентябрь куни иссиқ сув таъминоти бўлмайди.**

**Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлкаларига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалардан, шунингдек, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамлардан эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.**

**Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.**

**Қуйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ режали кузги тўхтатиш мўлжалланмоқда.**

1-ИМ — "Шимолий-Шарқий" — 20-24-сентябрь кунлари
2-ИМ — "Қорасув" — 13-17- сентябрь кунлари
3-ИМ — "Ғарбий" — 11-15-октябрь кунлари
4-ИМ — "Шимолий" — 4-8- октябрь кунлари
5-ИМ — "Чилонзор" — 13-17-сентябрь кунлари
6-ИМ — "Жанубий-Шарқий" — 4-8 - октябрь кунлари
7-ИМ — "Авиасозлар" — 13-17-сентябрь кунлари
8-ИМ — "Сергели" — 13-17- сентябрь кунлари
"Водник" қозонхонаси — 11-15 - октябрь кунлари
"ТТЗ" — 20-24 - сентябрь кунлари
"Саноатэнерго" — 4-8 - октябрь кунлари
"ТошИЭМ" қозонхонаси — 20-24-сентябрь кунлари

***Қозонхоналар тўхтаган даврда иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.***

**Польшанинг Познань шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Вадим Меньков биттадан олтин ва бронза медални қўлга киритди.**





## ВАДИМ МЕНЬКОВ: ҒАЛАБАМНИ ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

Тошкент аэропортида Ўзбекистон спорт делегациясини тегишли вазирлик ва идоралар, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари, мухлислар тантанали кутиб олди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, навқирон авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароитларни яратиш, иқтидорли ўғил-қизларни кашф этиб, уларни маҳоратли спортчилар этиб тарбиялаш ва доимий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида ҳамюртларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда муваффақият қозонмоқда.

Познань шаҳрида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида дунёнинг 71 мамлакатидан келган энг кучли спортчилар ғолиблик учун куч синашди. Иштирокчилар ўртасида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ғолиб ва совриндорларининг кўплиги беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади. Мусобақада каноэда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпиони сифатида қатнашган ўзбекистонлик Вадим Меньков мазкур масофани энг тез – 3 дақиқаю 51 сонияда босиб ўтди ва иккинчи маротаба жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Бундан ташқари, Вадим 500 метрга ўтказилган беллашувларда 1 дақиқаю 48 сония натижа билан учинчи ўринни эгаллади.

– Шоҳсупанинг энг юқори поғонасида турганимда ва менинг шарафимга Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида қалбим фахр ва ифтихорга тўлди, – дейди дунёнинг энг кучли каноэчиси Вадим Меньков. – Мен бу ғалабамни Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрамига бағишлайман. Биз, спортчилар, истиқлол туфайли халқаро майдонларда ўзимиз туғилиб ўсган юрт шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўлдик. Мусобақа давомида Юртбошимиз, халқимиз мени қўллаб-қувватлаб турганини чуқур ҳис қилдим ва бу менга янада куч-ғайрат бағишлади, ғалабага бўлган иштиёқим ва интилишимни оширди.

Каноэчи сифатида Осиё ўйинлари, қитъа чемпионати ва жаҳон кубоги босқичларида зафар қучган В.Меньков 2009 йили Канаданинг Дартмут шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида илк маротаба олтин медалга сазовор бўлган эди. Польшадаги мусобақада чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилиш учун ҳамюртимиз бир йил давомида машаққатли машғулотлар, нуфузли турнирларда тажриба ва маҳоратини оширди. Бу жаҳон чемпионатида Вадимга қўл келди. У ҳал қилувчи финал баҳсида асосий рақобатчилари – Пекин Олимпиадаси чемпиони Атилла Вайда (Венгрия) ва жаҳон чемпионати совриндори Себастьян Брендель (Германия) каби кучли каноэчиларни доғда қолдирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 24 августда қабул қилинган фармонига мувофиқ, Вадим Меньков «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Унинг моҳир спортчи бўлиб вояга етишида ўз билим ва маҳоратини аямаган устози – сув спорти турлари республика олий спорт маҳорати мактабининг байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича мураббийи Александр Пономарёвга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони берилди.

– Камтарона меҳнатимни Ватанимизнинг юксак ордени билан тақдирлаган Юртбошимиздан беҳад миннатдорман, – дейди В.Меньков. – Мамлакатимизда инсонни, унинг меҳнатини қадрлашга ва муносиб рағбатлантиришга доимо катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни жаҳон спортида янгидан-янги чўққиларни забт этишга ундайди. Мен энди бор эътиборимни 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, мамлакатимизга олтин медаль олиб келишга қаратаман.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ЦИРК ЯНГИ МАВСУМИНИ БОШЛАДИ

**Энг улуғ ва энг азиз байрам Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида «Ўзбек давлат цирки» бирлашмасининг таклифига биноан пойтахтимизга бир гуруҳ ҳиндистонлик цирк артистлари ташриф буюрди. Янги мавсумда минглаб томошабинлар ўзига хос ҳинд санъати билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади.**

Куни кеча Тошкент Давлат циркида янги мавсумнинг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Илк томошабинларни цирк жамоаси карнай-сурнай садолари остида кутиб олди.

Янги мавсумда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Матчонов, Фурқат Қорабоев, Валерий Галактионов ва Рамиз Шагиев томонидан тайёрланган «Ўргатилган шерлар», «Иллюзия ўйинлари», «Лопинг устидаги гимнастлар», «Ўргатилган экзотик ҳайвонлар» дастурлари, Рустам Халиқназаровнинг масхарабозлик чиқишлари каттаю кичик томошабинларга завқ бағишлайди. Байрам цирк томошалари нафақат Тошкентда, балки мамлакатимизнинг турли вилоятларида ҳам намойиш этилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимиз цирк усталари маҳоратига бир қатор хорижий давлатларда ҳам юксак баҳо берилган.

Ўз навбатида, юртимизда «Сув устидаги цирк», «Мўъжизасиз мўъжиза», «Европа плюс...», «Зооцирк» каби кўчма цирк-шапитолари гастролда бўлиб, томошабинларимизга ранг-баранг дастурларини тақдим этган.

Бу йилги янги мавсум дастурларида ҳиндистонлик цирк усталари қатнашиши бу санъат йўналишида хорижий ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Цирк артистлари ижросидаги ҳаво гимнастикаси, акробатика, дорбозлик, масхарабозлик, жонглерлик, паҳлавонлик ўйинлари ҳамда ўргатилган йиртқич ҳайвонларнинг чиқишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Баркамол авлод йили муносабати билан цирк жамоаси хайрия тадбирларини ҳам доимий равишда уюштириб келмоқда. Ҳар бир шаҳар ва туманда имконияти чекланган болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалардаги болалар учун цирк томошалари ташкил этиб келинмоқда.

**Гулором ҲАМИДОВА**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

**Қиз тарафнинг гапи ўтимли бўлди.**

* * *

**Феъли ёмон оёғидан йитади.**

* * *

**Ёмон қариндошдан, яхши қўшни афзал.**

* * *

**Юпун қалин тортса, тўпланганда алп бўлади.**

* * *

**Ингичка йўғонлашса, узиб бўлмайди.**

* * *

**Баҳодиринг мингта, бошлиғинг битта бўлсин.**

* * *

**Отанг борида эл тани, отинг борида ер тани.**

* * *

**Ҳар бир айтиладиган гапнинг ўз ўрни, вақт-соати бор.**

* * *

**Тўкилмайдиган қон бўлмас, ўлмайдиган жон бўлмас.**

* * *

**Ўйчи ўйига еткунча таваккалчи ишини битирибди.**

* * *

**Отнинг кучи ёл билан.**

* * *

**Йўл қисқа-ю сўз қисқа.**

* * *

**Эл соғинчидан ортиқ нарса бўлмаса керак.**

* * *

**Элдан, ердан безган одам қаерда бўлмасин, унинг олтин боши хор экан.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Кўргазмалар

## МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР АКС ЭТГАН

**Ўзбекистон Амалий санъат музейида Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик Шариф Азимовнинг «Сув келтирган азиз» мавзусидаги кўргазмаси очилди.**



«Сув – ҳаёт демакдир» ибораси халқ орасида бежиз айтилмаган. Сув чиққан жой муқаддас саналган. Қадимда Марказий Осиё ҳудудида яшаган аҳоли сув чиқариш учун кўп меҳнат қилган, машаққат билан ариқ тортиб, сув чиқарган ва шаҳарлар ободонлаштирилган. Қадимги ҳунармандлар сувни муқаддас билиб, бу борадаги ўз муносабатини ясаган сопол буюмларида акс эттиришга ҳаракат қилган. Бу борада халқ оғзаки ижодида ҳам кўплаб асарлар мавжуд. Жасур Фарҳоднинг тоғдан сув олиб чиқиши ва гўзал малика Шириннинг кўнглидан ўрин олганлиги бунга мисолдир.

— «Сув келтирган азиз» кўргазмасида уста кулол Ш.Азимовнинг катта-кичик сополдан ясалган терракота ва сирланган, кенг ва ингичка бўйинли, жимжимадор ва нақшинкор бандли турли шаклдаги анъанавий хумлардан тортиб, кўзаларгача сув идишлари ўрин олган. Қадимги анъаналарни сақлашда, янги шакллар ва сиймолар билан бойитишда самарқандлик кулол Шариф Азимовнинг ҳиссаси катта, — дейди Ўзбекистон Амалий санъат музейи директори Наргиза Толипова. — Шариф Азимовнинг ижоди Самарқанд кулолчилик мактаби билан чамбарчас боғлиқ. Айтиш жоизки, Самарқанд кулолчилиги ўз кўриниши билан бошқа мактаблардан ажралиб туради. Самарқанд сополи одатда «ўйма», «қолиплаш» усулида ва жонзод тасвирининг араб хати билан уйғунлашиши, геометрик шакллар ангобда акс этиши билан диққатни тортади. Таниқли уста Умар Жўрақуловнинг шогирди бўлмиш Шариф Азимов ўзининг мустақил ижодида устозига хос бўлган янгича изланишлар руҳининг қадимги анъаналар билан жўшқинлигини устувор деб билади. 30 йиллик ижодига қарамай, уста кулол асосан кўзагарлик соҳасида ўз истеъдодини намоён қилди. Маълумки, кўзагарлик энг мураккаб ва юқори савиядаги маҳоратни талаб қилади. У ясаган кўзалар Самарқанд шаклидан келиб чиққан ҳолда замонавий манзарали кулолчиликка хос йўналишлар, изланишларни ўзига қамраб олади. Кўргазмадан ўрин олган Самарқанд кулолчилигига хос аждаҳо каби тасвирлар ва сирланмаган сопол санъатсевар мухлислар эътиборини тортмоқда.

«Сув келтирган азиз» кўргазмасининг асосий мақсади томошабинга ўзбек халқининг бой меросини яна бир бор намоён қилиш ва инсониятга берилган сувнинг нечоғлик муқаддаслигини ва унинг қадрига етиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини кўрсатишдан иборатдир.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Владимир Гранкин олган сурат**

**Чилонзор туманидаги 188-мактабда «Баркамол авлодни шакллантиришда дарсга бўлган янгича ёндошув» мавзусида семинар бўлиб ўтди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».**

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мактаб раҳбарлари ва фаол ўқитувчи-педагоглар ҳамда бир гуруҳ таълим тизими ходимлари иштирок этди.

Семинарда «Мактаб ўқувчиларининг билим ва савиясини оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни» ва «Рейтинг тизимидаги ўзгаришлар, ўқитувчи иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш» мавзуларида маърузалар тингланди. Тажрибали педагогларнинг «Илм афзал» ва «Она битта, Ватан ягона» мавзуларидаги мустақил дарслари катта таассурот қолдирди.

Тадбир давомида фанлар кесимидаги йиғилишларда ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар ҳамда юзага келган муаммолар, таълим жараёнига янги таълим стандартларини жорий этиш, электрон дарсликларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш каби масалалар муҳокама этилди.

**Азима ҚИЁСОВА**

## ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги кенг нишонланиши муносабати билан пойтахтимизда ўтказиладиган шодиёналар, халқ сайиллари давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими фармойишига мувофиқ **2010 йил 31 август ва 1 сентябрь кунлари** шаҳримизнинг қуйидаги манзиллари бўйича барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати вақтинча чекланиши кўзда тутилмоқда.

**2010 йил 31 август куни соат 15.00 дан 23.00 гача:**

— Бунёдкор шоҳкўчаси — Муқимий кўчасидан А.Хўжаев кўчасига қадар;

— А.Хўжаев кўчаси — Самарқанд Дарвоза кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;

— Ўзбекистон кўчаси — Бунёдкор шоҳкўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

— Бобур кўчаси — Б. Бобоев кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

— Т.Тўла кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

— Фурқат кўчаси — Олмазор кўчасидан А.Навоий кўчасига қадар;

— Олмазор кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Т.Тўла кўчасига қадар;

— Ғ.Ғулом кўчаси – тоннелга кириш йўлидан;

— Зарқайнар кўчаси – тоннелга кириш йўлидан.

Шу билан бир қаторда **2010 йил 1 сентябрь** куни байрам тадбирлари ўтказиладиган «Авиасозлар» маданият саройи ва Алишер Навоий номидаги театр олдидаги майдонларга, Сайилгоҳ кўчасига, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Бобур номидаги ҳамда «Боғишамол» ва «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғларига, Ибн Сино гузарига, Талабалар шаҳарчасига, «Ниҳол» спорт мажмуасига туташ кўчаларда халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда, транспорт воситаларининг қатнови вақтинча тўхтатилади.

Шароит тақозо этганда, бошқа кўчаларда ҳам транспорт воситаларининг ҳаракати қисқа муддатга чекланиши мумкин.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2765 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 · 5

Буюртма Г- 706

Топширилган вақти: 17.55